SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 23-OKTABR ■ PAYSHANBA ■ 124 (27.144) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг шу йил 6 октябрдаги йиғилишида 2003 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилиб, сайлов жараёнини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилган эди.

Олий Мажлис Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси билан Матбуот ва ахборот қўмитасининг оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги йиғилиши кун тартибидан ана шу масала ўрин олди.

Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў.Ҳошимов олиб борган йиғилишда Олий Мажлис Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида» қабул қилган қарорини амалга ошириш билан боғлиқ вазифалар ҳамда мазкур сайлов жараёнини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалалари кенг муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатларига ўз сайлов округларида сайлов тадбирларини ташкил этишда фаол қатнашишлари, оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайловни кенг ёритишлари зарурлигига эътибор қаратилди.

Йиғилишда кейинги йилларда мамлакатимиз фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан дадил илгарилаётганлиги ҳамда давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказилиши муносабати билан мазкур сайлов кампаниясининг аҳамияти тобора ошганлиги, шунингдек, бу тадбирнинг Обод маҳалла йилида ўтиши унга янада катта масъулият билан ёндашишни талаб қилиши алоҳида қайд этилди.

(ЎзА)

Иқтидорли ёшлар миллат ғурури, мамлакат таянчи

ТАНИШИНГ, ЁДДА САҚЛАНГ: ТАМИЛА САЛИМЖОНОВА

У 1991 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, етти ёшидан бошлаб мусиқа билан шуғулланади. В.Успенский номидаги республика махсус мусиқа академик лицейида пианино йўналишида таълим олмоқда. Устози — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Тамара Попович.

Санъатнинг сирли дунёсига эндигина қадам қўяётган Тамила 2002 йилнинг октябрь ойида Италиянинг Агрополи шаҳрида бўлиб ўтган ёш пианиночиларнинг 25-халқаро танловида биринчи мукофотга сазовор бўлди. Шунингдек, танлов ҳайъатининг махсус совғасини ҳам қўлга киритди.

Тамила 2003 йилнинг июнида Руминиянинг Бухарест шаҳрида ёш пианино ижрочиларининг 7-халқаро танловида мутлақ биринчиликни қўлга киритди. Ҳайъат аъзоларининг барчаси унинг ижро маҳоратига юқори баҳо берди.

Шу йилнинг сентябрида Тамила Салимжонова Москва Кремлининг «Оружейная палата»сида концерт бериш бахтига муяссар бўлди. Москва Давлат консерваторияси профессорлари ҳамда машҳур пианиночилар назарига тушди. Бу дастур Владимир Спиваков халқаро хайрия жамғармаси томонидан ташкил этилди.

Мустақил мамлакат фарзандлари ўз истеъдодлари, имкониятлари, изланишлари билан жаҳонни ҳайратга солмоқдалар. Улар қалбида уйғонган озодлик оҳанглари оламаро таралмоқда.

Истиқболга талпинади жажжи юрак,
Озодликдан туғилади ойдин тилак.
Ватан учун, миллат учун сизлар керак,
Истиқлолга тенгдош бўлган болаларим,
Эл кўксида чарақлаган лолаларим.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ

❖❖❖



Шавкат АКРАМОВ олган сурат

КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Назокат УСМОНОВА). Тошкент шаҳар ҳокимлигида кузги-қишки мавсумга тайёргарликнинг боришига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора ва ташкилот раҳбарлари, туман ҳокимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов бошқарган йиғилишда пойтахтимизда мавсумга тайёргарлик қизғин бораётгани, мавжуд камчиликларни тезда бартараф этиш мақсадида махсус комиссия ишлаб тургани қайд этилди. Комиссиянинг асосий фаолияти шаҳримиз маҳаллаларидаги уй-жой ширкатларига амалий кўмак беришга қаратилмоқда. Кўп қаватли уйларнинг ертўла ва томларини, қозонхона, ташқи ва ички иссиқлик тармоқларини таъмирлаш, иситиш қувурларини тозалашга алоҳида эътибор берилмоқда. Тегишли идора ва ташкилот раҳбарларига бу борадаги юмушларни 10 ноябргача якунлаш топширилди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди.

СУРЪАТ ПАСАЙМАСИН

БУХОРО (ЎзА мухбири Илҳом САФАР). Вилоят ҳокимлигида қишлоқ хўжалигига дахлдор идора ва ташкилотлар раҳбарлари, туман ҳокимлари иштирокида пахта йиғим-теримининг боришига бағишланган йиғилиш бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Вилоятда пахта йиғим-терими авжида. Шартнома-режасини бажарган ширкат ва фермер хўжаликлари сони кун сайин ортиб бормоқда. Олот, Когон, Вобкент, Ғиждувон ва Пешку туманлари тез орада маррани забт этади. Бироқ, Қоровулбозор ва Шофиркон туманларида мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланилмаяпти.

Йиғилишда октябрда об-ҳаво қулай келаётганидан фойдаланиб, вилоят бўйича йиллик шартнома-режани ойнинг охиригача бажариш лозимлиги таъкидланди. Бунинг учун барча имкониятни ишга солиш даркор.

Йиғилишда Бухоро вилояти ҳокими С.Ҳусенов иштирок этди.

КУЗ КУТИБ ТУРМАЙДИ

НАВОИЙ (ЎзА мухбири Ёркул УМАР). Хатирчи туманидаги «Боғчакалон» ширкат хўжалигида бўлиб ўтган йиғилиш пахта теримини жадаллаштириш ва кузги дон экиш ишларини якунлаш масалаларига бағишланди. Унда туман ҳокимлари, вилоят ташкилотлари раҳбарлари ва агросаноат мажмуи мутахассислари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Бу йил 39 минг 400 гектар майдонда ғўза парваришлаган вилоят деҳқонлари 110 минг тонналик хирмон бунёд этиш мақсадида меҳнат қилмоқда. Далаларда мўлжалдаги ҳосил тўпланган. Шу кунга қадар Қизилтепа, Навбаҳор, Навоий тумани пахтакорлари йиллик шартнома-режанинг 60-70 фоизи миқдорида пахта териб олди. Хатирчилик деҳқонлар ҳам кунлик суръатда улардан қолишмаяпти.

Пахтани ёғин-сочинга қолдирмай териб олиш, кузги дон экишни ноябрь ойи бошида тугатиш бугуннинг долзарб вазифаларидан саналади. Бироқ, таъкидланишича, Нурота, Хатирчи ва Навоий тумани ғаллакорлари дон экиш ва униб чиққан майсаларни озиқлантиришда сусткашликка йўл қўймоқда.

Кузнинг ҳар бир кунидан унумли фойдаланиш, йиғим-терим суръатини янада ошириш ва дон экишни белгиланган вақтда ниҳоясига етказиш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда Навоий вилояти ҳокими Б.Рўзиев иштирок этди.

ЯНГИ КОМПРЕССОР СТАНЦИЯСИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Қашқадарё вилоятида «Шўртан газ-кимё» мажмуидан бир неча километр узоқликда янги объект — юқори босимли компрессор станцияси (ЮБКС) барпо этилди. Унинг очилишига бағишланган халқаро тақдимот маросимида мамлакатимиз ва чет эл компаниялари, дипломатик корпус, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Учрашувни Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев очди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов Қашқадарёнинг ер ости хазиналаридан 88 фоиз газ ва 92 фоиз нефть қазиб олинишини таъкидлади. Табиий ресурслардан фойдаланиш мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлашга, демакки унинг фаровонлигига хизмат қилади. Нефть-кимё каби базавий тармоқларни ривожлантириш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг асосий йўналиши ҳисобланади. Президент Ислом Каримовнинг бу сўзлари нефть-газ саноатидаги ислоҳотлар моҳиятини акс эттиради.

Шўртан газ-конденсат конида ЮБКС бўйича халқаро лойиҳа ҳам ушбу сиёсат йўналишида амалга оширилди. Унинг асосий вазифаси — қазиш қурилмаларида зарур қатламли босимни таъминлашдир. Бунинг натижасида табиий газ, конденсат максимал миқдорда қазиб олинади ва магистрал қувурлар орқали истеъмолчилар: Сирдарё ГРЭС, бошқа корхоналар ва аҳоли хомашё билан барқарор таъминланади.

Лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш учун «Ўзбекнефтгаз» холдинг компанияси ва Исроилнинг «Бейтман прожект лимитед» компанияси уч йил аввал инжиниринг ишларини амалга ошириш, ускуналар етказиб бериш, шеф-монтаж ва қурилиш устидан муаллифлик назорати бўйича 158,5 миллион АҚШ долларилик шартномани имзолади. Объектни молиялашда Исроилнинг ИФТРИК корпорацияси суғурта таъминоти остида АБН АМРО банк (Голландия), Эксимбанк (АҚШ), «Хапоалим» банки (Исроил) иштирок этди. Барча инвестицияларни жалб этган ҳолда шартнома суммаси 195,2 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Энг янги қурилма ва ускуналарни Американинг «Дрессер-Рэнд» компанияси етказиб берди.

«ЎзЛИТИнефтгаз» мутахассислари муҳандислик коммуникациялари ва ёрдамчи объектларни лойиҳалаш, «Ўзбекнефтгаз» йўлинмалари қурилиш-монтаж ишларини амалга оширди. Самарали халқаро ҳамкорлик натижаларга олиб келди: объект муддатидан уч ой олдин фойдаланишга топширилди.

Янги ЮБКС ер остидан табиий газ ва конденсатни тўлиқ қазиб олиш билан бирга Шўртан конининг фойдаланиш муддатини 20-25 йилга узайтириш имконини беради. Бу вазифадан ташқари мазкур станциянинг ишга туширилиши кунига қўшимча 8 миллион куб метр «зангори олов» қазиб олиш имкониятини яратади.

Ҳозир газни бирламчи қайта ишлаш қурилмасига уланган 129 та кондан газ ва конденсат қазиб олинмоқда. Ушбу компрессор станцияси қурилмалари ишлаган пайтда тегишли босим остида «Шўртаннефтгаз»нинг бош корхоналарига етказиб берилади. Сўнгра зангори оқим Шўртан — Сирдарё ГРЭС, Шўртан — Муборак-1, Шўртан — Муборак-2 магистрал газ тармоқларига йўналтирилади, тозаланади, қайта ишланади ва истеъмолчиларга етказилади.

Шўртан ЮБКС мисолида Ўзбекистоннинг етакчи хорижий фирма ва компаниялар билан халқаро ҳамкорлиги ортиб бораётганини кўриш мумкин. «Ўзбекнефтгаз» холдинг компанияси сўнгги йилларда умумий қиймати 1,9 миллиард долларлик олтита йирик лойиҳани амалга оширди. Унинг буюртмалар портфелида хорижий инвестициялар жалб этиладиган яна қиймати 2 миллиард АҚШ долларига тенг бир неча лойиҳа бор.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎзА махсус мухбири

Тошкент — Қарши — Тошкент

А. ТЎРАЕВ (ЎзА)
олган суратлар

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙИ ЮБИЛЕЙИ БЕЛЬГИЯДА

Ўзбекистон пойтахтида трамвай ҳаракатининг йўлга қўйилиши ва унинг ривожи Бельгия билан бевосита боғлиқ. Икки томонлама ҳамкорлик тарихи узоқ 1896 йилнинг 18 ноябрига бориб тақалади. Шу куни «Сосьете женераль де Бельжик» молия-саноат гуруҳи билан «Тошкент трамвайи» акционерлик жамиятини тузиш ҳақида шартнома имзоланган эди. Орадан беш йил ўтиб, 1901 йил 26 март куни «конка»(отга уланган вагон) илк бор ҳаракат қила бошлайди.

2001 йил апрель ойида мамлакатимизда Тошкент трамвайининг юз йиллиги кенг нишонланди. Энди эса юбилей тадбирлари Бельгия заминига ҳам етиб келди. Яқинда Антверпен шаҳрида ушбу санага бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Тадбир якунида «Баҳор» ансамбли раққосалари ижросида концерт дастури тақдим этилди.

Мазкур сана муносабати билан ўтказилган юбилей тантаналари Бельгия матбуоти саҳифаларида ўз ифодасини топди. Қатор оммавий ахборот воситалари, жумладан «Газет ван Антверпен» газетаси ва «Контакт» журнали Тошкент трамвайининг 100 йиллигига бағишланган туркум мақолаларни эълон қилди.

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА мухбири,
Брюссель.

Долзарб мавзу

ҚУРИЛИШ САНОАТИ ВА МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ

РЕСПУБЛИКАМИЗ ҚУРИЛИШ САНОАТИ РИВОЖИГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШАЁТГАН «ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛАРИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ТИЗИМИДАГИ «TOF-ГЕОЛОГИЯ ЖАМЛАНМА ЭКСПЕДИЦИЯСИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

Ислом КАРИМОВ: «Ўзбекистон ўз ер ости бойликлари билан ҳақли суръатда фахрланади — бу ерда машҳур Менделеев даврий жадвалининг барча элементлари топилган».

Манбаларда айтилишича, минтақамизда фойдали қазилмаларни излаб топиш ишлари эрамиздан бир неча йиллар илгари бошланган.

Ўзбекистонда геология соҳасидаги изланишлар ва қизиқарли илмий кузатишларни ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Абу Носир Форобий ҳамда Розийларнинг ўлмас асарларида кўришимиз мумкин. Айниқса, геология фани ривожида буюк алломалар Абу Райҳон Беруний ҳамда Абу Али ибн Синоларнинг номлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Абу Райҳон Беруний ўз асарларида ер табиати, минерал ва маъданлар ҳақида, қолаверса, турли геологик ҳодисалар тўғрисида батафсил ёзиб қолдирган. «...Агарда бир жойни ковлаб, у ердан шағалларни топсак, бу ерда олдин дарё оққанлигини билишимиз мумкин» деб ёзади олим. Ўзининг ана шундай қарашлари билан у бундан бир неча йиллар бурун М.Ломоносов ҳамда Г.Лайеллар илгари сурган актуализм усулига асос солиб улгурганди. У XI асрнинг биринчи ярмидаёқ, «Чўкиндилар ҳосил бўлиши» тўғрисидаги қонуниятга асос солади ва буни амалда исботлайди.

Манбаларда шундай қизиқ маълумотлар бор. XV аср бошларида Касталия қироли Генрих III ўз элчиси Рюи Гонсалес де Клавихони соҳибқирон Амир Темур ҳузурига Самарқандга жўнатади. Ўша даврларда бу ердаги тўқин ва фаровон ҳаётни ўз кўзи билан кўрган элчи ватанига қайтиб, 1582 йилда Севилья шаҳрида, таассуротлари жамланган «Буюк Темурланг тарихи» номли китобини чоп эттиради. Клавихо ўз китобида ўлкамиз табиий географияси, Мурғоб дарёси ҳавзаси, жанубий Ўзбекистон тоғлари ва унинг қазилма бойликлари тўғрисида батафсил маълумот берган.

2-бет

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА
BUSINESS BANK

«Ҳосил-2003»

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК ШОЛИКОРЛАР ҒАЛАБАСИ

Бу йил деҳқончилик учун жуда ноқулай йил бўлди. Баҳор кеч келди, бунинг устига об-ҳаво салқин бўлиб, ёз ойларининг ўрталаригача ёмғир ёғди. Экинларни қайта экишлар кўп бўлди. Жумладан, шоличиликда ҳам қатор ташвишлар туғилди. Ҳар бир туп шолини сақлаб қолишнинг ўзи бўлмади. Лекин ёз бўйи қилинган меҳнат натижасида ҳамма туманлар ва хўжаликларда кўзланган ҳосил етиштирилди. Ўрим-йиғим жуда қисқа муддатларда ўтди. Барвақт янчиб ҳам олинди. Бу ишларнинг самараси ўлароқ, Қорақалпоғистон шоликорлари шоли тайёрлаш шартномавий режаларини шараф билан бажардилар.

Дуйсинбой ЎТАМБЕТОВ, Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири:

— Ҳар бир йилнинг ўзига яраша қийинчилиги бўлади. Шоликорларимиз машаққат билан бўлса-да, бу йил шолидан тўла кўчат олиб, уларни ёввойи ўтларга бостирмасдан парвариш қилишди, агротехник муддатларида озиқлантиришди. Пишиб етилган ҳосилни барвақт — қор, ёмғир остида қолдирмай ўриб-янчиб олиш тадбирларини кўрди. Барча ишчи кучи ва техника уюшқоқлик билан сафарбар этилди. Натижада, эл хирмонига ҳозиргача 69.250 тонна шоли тўкилди. Шартномавий режа адо этилди. 13750 тонна сара уруғ тайёрланди.

Эришилган ютуққа Нукус тумани шоликорлари, айниқса, катта ҳисса қўшдилар. Улар республикада биринчи бўлиб маррага етишди. Тумандаги «Кердер» ширкат хўжалиги 1935, «Шўртонбой» ширкат хўжалиги эса 1835 тонна шоли тайёрлаб энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Мирзабой Юсупниёзов, Киличбой Абдурасулов, Реипназар Жуманазаров бошлиқ бригадаларда ҳар гектар майдондан 58-60 центнердан ошириб шоли ўриб-янчилди.

Шунингдек, Қўнғирот, Тахтакўпир, Қонликўл, Қораўзак, Чимбой туманлари шоликорлари ҳам қўлга киритган ютуқлар салмоқли бўлди. Қўнғиротликлар — 9801 тонна, тахтакўпирликлар — 9557, қонликўлликлар — 9430, қораўзакликлар — 7180, чимбойликлар — 6556 тонна шоли тайёрлаб, эл-юрт олдида берган ўз сўзлари устидан ёруғ юз билан чиқишди. А.Досназаров номли, «Маданият», «Тахтакўпир», «Кўқдарё», «Хоразм», «Сариолтин», «Олтинкўл», «Қизилўзак» сингари ширкат ва фермер хўжаликларида гектар бошига олинган ҳосил тарозида 55-60 центнердан тош босди.

Ўрим-йиғим ишларида 160 та «Класс», 28 та «Кейс», 13 та «Ньюхолланд», 52 та «Россия» русумли комбайнлар икки сменада самарали ишлатилди. Мавсум юмушларида «Агроинтехника», «Қорақалпоқмашсервис», «Қорақалпоқтранс» бирлашмалари жамоалари транспортчилари фаол иштирок этдилар.

Ҳа, республикада ҳозиргача тайёрланган ялпи шоли ҳосили 92 минг тоннадан ошган бўлса-да, бу кўрсаткични 200 минг тоннага етказиш учун барча мавжуд комбайнлар, жаткалар ва бошқа техника воситалари тўла қувват билан ишлатилмоқда. Айни пайтда илғор хўжаликларда кузги-қишки юмушларга ҳам тайёргарлик ишлари қизғин бошлаб юборилди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: «Шўртонбой» ширкат хўжалиги раиси Максетбой Сабуров; «Кердер» ширкат хўжалиги раиси, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Киличбой Ибрагимов, туман ҳокими Бахт Муртазаев, бош агроном Караматдин Атамуратов.

Бердиниязъ АЛЛАШЕВ олган сурат

Долзарб мавзу

ҚУРИЛИШ САНОАТИ ВА МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ

РЕСПУБЛИКАМИЗ ҚУРИЛИШ САНОАТИ РИВОЖИГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШАЁТГАН «ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛАРИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ТИЗИМИДАГИ «ТОҒ-ГЕОЛОГИЯ ЖАМЛАНМА ЭКСПЕДИЦИЯСИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

1966 йилнинг 1 сентябрида «Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати» вазирлиги қошида, республикамиздаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни хомашё заҳиралари билан тезкор таъминлаш учун геологик экспедиция ташкил этиш зарурати туғилди. Ҳозир «Тоғ-геология жамланма экспедицияси» акциядорлик жамияти деб юритилаётган бу жамоа геологлари қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарини зарур хомашё базаси билан таъминлаш, конлардаги заҳиралар истиқболини аниқлаш, тоғ-кон саноатида қўлланиладиган лойиҳалар ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ишларини бажармоқда.

Рустам ИСЛОМОВ, экспедиция Кузатув кенгаши раиси:

— Республикамиз замини ер бағрида учрайдиган турфа маъданларга, ярқирама тошлар хомашёси ва қурилиш материалларига жуда бой. Шундай экан, экспедициямиз геологлари томонидан қидириб топилган конларни тезроқ ишлаб чиқаришга топшириш, зарур хомашёни кондан қазиб олиб, ундан маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйиш, ички эҳтиёжларимиздан ортган тайёр маҳсулотни экспортга йўналтириш олдимизда турган долзарб вазифалардан бири...

— Хорижий давлатларда тоғ-кон геологияси билан боғлиқ ишлар қай йўсинда олиб борилади?

— Ривожланган мамлакатларда давлат сармояларининг 40 фоизи ва меҳнат ресурсларининг деярли ярмидан кўпроғи кон саноатида мужассам. Бундан кўринадики, биз ҳам асосли маблағларни фақат қазилма бойликларни излаб топишгагина эмас, балки уларни кондан қазиб олиб, тайёр маҳсулотга айлантириш хусусида ўйламоғимиз лозим.

Шу мақсадда, 2003 йил учун республикамиздаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни хомашё заҳиралари билан таъминлаш, конларни қидириб топиш мақсадида, республика бюджетидан 104 миллион сўм маблағ ажратилган. Шундай экан, мамлакатимизга ташқаридан катта валюта ҳисобига ташиб келтирилаётган хомашёлар оқимини камайтириш, зарур валюта маблағларини тежаш «Тоғ-геология жамланма экспедицияси» акциядорлик жамияти геологлари зиммасига катта масъулият юклайди. Ҳозир экспедиция таркибида 3 та катта геологик гуруҳ мавжуд бўлиб, улар — Шарқий Ўзбекистон, Ғарбий Ўзбекистон ҳамда Тошкентолди гуруҳларига бўлинади. Уларнинг ҳар бирида яна ўнлаб кичик геологик шахобчалар фаолият кўрсатаётир. Шунингдек, лойиҳалаш, геология ва маркшейдерлик, кончиликда ишларни бехатар олиб борилишини назорат қилиш бўйича ҳам махсус гуруҳлар ташкил этилган.

— Экспедиция таркибида бундай гуруҳларни ташкил этишдан мақсад нима?

— Экспедиция геологлари томонидан бирон-бир кон қидириб топиладиган бўлса бу хомашё заҳирасининг истиқболини ўрганиш, уни давлат комиссиясидан ўтказиб, ишлаб чиқаришга топшириш, кондаги хомашёни режали равишда қазиб олиш ишларида бу гуруҳларнинг ўрни беқиёс. Ундан ташқари, улар томонидан кондан фойдаланиш йиллик режалари тузилиб, қазиб олинадиган бойликлар миқдори аниқланади.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси тизимидаги «Қизилқумцемент», «Қувасойцемент», «Оҳангаронцемент», «Бекободцемент» сингари корхоналарда йилига 5 миллион тонна цемент ишлаб чиқарилишини назарда тутсак, уни ишлаб чиқариш учун ҳар йили 6 миллион тоннагача оҳактош ва бошқа ашёлар зарур бўлади.

Биргина мисол: илгарилари «Қувасойцемент» корхонасининг оҳактош ва сланецга бой хомашё заҳиралари қўшни Қирғизистон Республикаси ҳудудида бўларди. Улар у ердан катта валюта ҳисобига ташиб келтириларди. Экспедициямиз геологлари томонидан Фарғона вилоятида янги «Лоғон» оҳактош конининг очилиши «Қувасойцемент» корхонасини шу тур хомашё билан 33 йил муддатга таъминлаш имконини берди. Агар «Қувасойцемент» корхонаси йилига 1 миллион тонна цемент ишлаб чиқаришини, бу миқдордаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун корхонага 1 миллион 200 минг тонна оҳактош зарур бўлишини ва бу хомашёнинг ҳар тоннасини Қирғизистондан доллар баҳосига сотиб олинганлигини назарда тутсак, мамлакатимиз иқтисодиётига нечоғли фойда келганлигини аниқроқ англаймиз.

Шунингдек, «Бекободцемент» корхонаси ҳам зарур хомашёни қўшни Тожикистоннинг Нов тумани ҳудудида жойлашган «Хилково» конидан валюта эвазига ташиб келтиришга мажбур эди. Корхонага цемент ишлаб чиқаришда зарур биргина оҳактош хомашёсини сотиб олиш учун ҳар йили 3 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланарди. Жиззах вилоятида геологларимиз томонидан қидириб топилган 180-200 миллион тонналик оҳактош хомашё заҳирасига эга бўлган «Кўтарма» кони «Бекободцемент» корхонасини 180-200 йил муддатга етадиган ана шундай хомашё билан таъминлаш имконини берди. «Қизилқумцемент» корхонасини хомашё билан таъминлаш учун Навоий вилоятида «Тепалик» кони фаолият кўрсатаётган бўлса, «Оҳангаронцемент» корхонаси эҳтиёжини қондириш учун Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида «Қорахитой» оҳактош кони ишлаб турибди. Аммо бу коннинг хомашё заҳиралари 2-3 йилга етарли қолган, холос. Шунинг учун «Оҳангаронцемент» корхонасининг узоқ йиллар тўхтовсиз фаолият кўрсатиши учун экспедициямиз геологлари томонидан олиб борилган қидирув ишларининг дастлабки натижаларига кўра, «Қорахитой» кони атрофида 40-41 йилга етадиган оҳактош конининг очилишига эришилади.

Цемент ишлаб чиқариш учун нафақат оҳактош, сланец хомашёси, балки, темир моддали ашёлар ҳам зарур. Геологларимиз томонидан ана шундай ашёларни қидириб топиш мақсадида, айни дамларда амалий ишлар олиб борилаётир. Қорақалпоғистон Республикасининг Қораўзак туманидаги марказлашган «Тебинбулак» титан-магнетит рудалари конида дастлабки қидирув ва баҳолаш ишлари давом этмоқда.

Бир пайтлар бу ашёлар ҳам Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларидан катта валюта ҳисобига ташиб келтириларди. Мамлакатимиздаги цемент корхоналари учун ҳар йили 150-200 минг тонна миқдорида ана шундай темир ашёли моддалар талаб қилинар ва бу ашёларни харид қилишга ҳар йили ўртача 3 миллион 600 минг АҚШ доллари сарфланарди. Эндиликда эса бу харажатлар «Тебинбулак» конининг тажриба-синов тариқасида ишлатилиши ҳисобига 600 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағга тушмоқда.

Сирдарё вилоятининг Боёвут тумани ҳудудида цемент ишлаб чиқаришда жуда муҳим ҳисобланган қўшимча тупроқсимон компонентларга бой «Боёвут», Фарғона вилоятидаги «Лоғон» кони атрофидан қидириб топилган чиғаноқтош, гипс ва гилли аралашмаларга бой «Оқтош» хомашё конларининг истиқболи ҳам ҳозир геологларимиз томонидан ўрганилмоқда ва айни дамларда бу хомашё заҳираларидан қисман фойдаланилмоқда. Рақамлар тили билан айтсак, геологларимиз томонидан ҳозиргача 40 дан зиёд хомашё конларининг истиқболлари ўрганилди. Уларнинг саноатда ўзлаштирилиш кўрсаткичи 90 фоиздан юқори...

Ҳа, заминимиз турфа, ноёб конларга бой. Ҳар қандай катта-кичик давлатнинг куч-қудрати унинг ер бағрида учрайдиган фойдали қазилмалари тури билан ўлчанади.

Қодиржон РАҲМОНОВ, «Тоғ-геология жамланма экспедицияси» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси:

— Экспедициямиз геологлари томонидан қидириб топилган хомашё заҳираларининг бугунги кундаги истиқболи қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг нафақат барқарор ишлаши, балки улар қувватини янада ошириш ва янги тармоқларни барпо этиш имконини ҳам беради. Айни дамларда, геологларимиз цемент ишлаб чиқарувчи корхоналар учун зарур хомашё заҳиралари билан бирга норуда қурилиш материаллари заҳираларини қидириб топиш ишларини ҳам олиб бормоқда. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида «Зинель-Булак», «Габро-Амфиболит» конлари, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида биноларни пардозлашда ишлатиладиган қизил, қизғиш рангли гранит ва мармар тошлари заҳиралари тадқиқ қилинмоқда.

Илгарилари бу тур маҳсулотларнинг асосий қисми Италия, Украина, Қозоғистон каби давлатлардан валюта ҳисобига ташиларди. Эндиликда эса улар экспедициямиз геологлари томонидан мамлакатимиз ҳудудларидан қидириб топилмоқда. Жумладан, Наманган вилоятининг Чуст туманидаги Қорабулоқ қишлоғи ҳудудидан топилган габро тош конлари, Фарғона вилоятида жойлашган «Сўх» кулранг мармар хомашёси заҳиралари ҳам фикримизнинг яққол исботи.

Бугунги кунда «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси тизимида 30 дан зиёд деворбоп қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналар мавжуд бўлиб, уларни доимий хомашё заҳиралари билан таъминлаш — экспедициямиз геологларидан тинимсиз изланишни талаб этмоқда. Фарғона вилоятининг Қувасой туманида Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигида барпо қилинган «Даларос» қўшма корхонасида деворбоп ғиштлар ишлаб чиқариш учун яроқли хомашё «Маяк», «Пахта учун» сингари хомашё заҳираларидан қидириб топилган бўлса, «Лоғон» гилвата конида аллақачон амалий ишлар ҳам бошлаб юборилди.

Айниқса, бинолар томларини ёпиш учун жаҳон андозалари талабларига жавоб бераоладиган «черепица»лар ишлаб чиқаришнинг зарур хомашё заҳираларини қидириб топишдаги ишларимиз ибратли. Масалан, Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли, Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманлари ҳудудларидаги хомашё конларида қидирув-чамалаш ишлари поёнига етказилмоқда. 2002 йил мобайнида уларда 130 миллион сўмлик ишлар бажарилди.

Собир АБЗАЛОВ, экспедициянинг Шарқий Ўзбекистон геология-қидирув катта гуруҳи бошлиғи, геология фанлари номзоди:

— Геологлар фаолияти асосан бурғулашдан иборат. Бу жараён об-ҳавога кўп жиҳатдан боғлиқ... Кўп ҳолларда қазиш ишларига мавсумий ишчиларни ёллашга тўғри келади. Чунки, бир пайтлар геология-қидирув соҳасида фаолият бошлаган ёш мутахассислар, кейинчалик негадир ўз касбларини ўзгартириб бошқа ишларга ўтиб кетишди. Бу эса олиб борилаётган қатор геологик-қидирув ишлари ва конларни вақтида топшириш муддатларини чўзиб юбормоқда.

Александр ЭЛИЗОВ, экспедициянинг Тошкентолди геология-қидирув катта гуруҳи бошлиғи:

— Кончилик ишларида талаб қилинадиган меъёрий ҳужжатларни тузиш ишлари баъзан соҳага ихтисослашмаган фирмалар ёки қандайдир номаълум кичик-кичик шахобчалар томонидан тузилмоқда. Бу эса ер ости қазилма бойликларидан нотўғри фойдаланишга олиб келмоқда.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири

«ЦЕМЕНТ САНОАТИ ВА БОЗОР»

III Халқаро Марказий Осиё конференцияси бўлиб ўтди

Унинг биринчи анжумани иштирокчилари ҳам 2001 йил пойтахтимизга йиғилишганди. Ўшанда дунёнинг 20 давлатидан 200 дан ортиқ мутахассислар қатнашиб, мамлакатимиз халқ хўжалигининг етакчи соҳаларидан бири — цемент ишлаб чиқариш қувватлари ва тармоқ истиқболлари ҳамда ўрганишга арзигулик жараёнлар билан танишгандилар.

Дарвоқе, республикамизнинг **«Қизилқумцемент», «Оҳангаронцемент», «Бекободцемент», «Ангренцемент», «Қувасойцемент»** сингари ўнлаб тармоқ корхоналари йилига 80 минг тоннадан 3 миллион 400 минг тоннагача жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Йиллар давомида уларда йиғилган илғор тажрибалар Ўзбекистонда ўзига хос мактаб яратди. Ихтисослашган илмий-тадқиқот марказлари, лабораториялар, лойиҳа институтлари ташкил топди. Яқинда мамлакатимиз цементчилари цемент олиш технологиясини нам усулдан қуруқ усулга ўтказиш таклифи билан чиқдилар. Бу усул ёқилғи сарфини тежаб, кам харжли, сифатли маҳсулот олиш имконини яратади.

«Интерконтиненталь» меҳмонхонасида бўлиб ўтган бу галги анжуманда ҳам Австрия, Буюк Британия, Германия, Франция, Монголия, Туркия сингари кўплаб хорижий ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари иштирок этди. Анжуман мутахассислар ва ишбилармонларга цемент саноати ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришида тўпланган илғор тажрибаларни алмашиш, икки томонлама фойдали битим ҳамда шартномалар тузиш учун кенг имкон яратди.

Шунингдек, **«Business Cem — 2003»** (Бизнес цемент — 2003) деб ном олган мазкур конференцияда ечими топилмаётган муаммолар юзасидан ҳам музокаралар олиб борилди. Ишлаб чиқаришда янги дастгоҳларни ўзлаштириш, маҳсулотларни қадоқлаш, сертификация қилиш, назорат сифатни текшириш жараёнларини тўғри йўлга қўйиш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Назокат ҚОСИМОВА

Жиноятга жазо муқаррар

ЖОҲИЛЛИК ГИРДОБИДА

Эндигина 32 ёшни қаршилаб, айни кучга тўлган Шоймардон Рўзимуродов на ўқиб бирон ҳунарли бўлди, на бирор ерда ишлаб эл-юртга фойдаси тегди. Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ деганларидек, у гуруҳ бўлиб оғир жиноят содир этганлиги учун Чироқчи туман судининг 1991 йил 21 ноябрдаги ҳукми билан йигитлик умрининг азиз 7 йилини панжара ортида ўтказишга мажбур бўлди.

Қамалиб чиқиб, бир фарзанднинг отаси бўлгандан кейин ҳам оқ-қорани ажратолмади. Эски «касали» — текканга тегиб, тегмаганга кесак отиш одатидан воз кечолмади: 2002 йил 14 июнь куни қўшниси Қаҳрамон Нурмуродовга туҳмат қилиб: «Боқиб юрган қўйларинг қоровуллигимдаги экин пайкалига тушибди», деб роса калтаклади. Бир бегуноҳ инсонни қасддан уриб тан жароҳати етказганлиги учун Шоймардон жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман суди томондан жавобгар деб топилиб, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 52-моддаси 2-қисми билан 11835 сўмлик жаримага тортилди.

Орадан бир ой ўтар-ўтмас жамоат жойда спиртли ичимлик ичиб, жанжал кўтаргани учун яна суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлди... Унинг охирги жинояти эса... Бу воқеани Хушали қишлоғи аҳолиси ҳали-ҳамон ғазаб билан эслайди.

Бир қишлоқда яшаб, бир ариқдан сув ичиб юрган Шоймардон Рўзмуродов билан Абдуолим Нормуродов оилалари ўртасидаги келишмовчилик бундай фожиали якун топиши ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди. 2001 йилнинг кеч куз оқшомларидан бирида Абдуолим рўзғорининг бир чеккасини кўтариб турган бир бош соғин сигир яйловдан орқа оёғининг пайи қирқилган ҳолда кириб келганди. Жониворнинг оёғи атайлаб ўткир пичоқ билан кесилганлиги шундоқ билиниб турарди. Тўрт-беш кўни-кўшни ерга оққан қон изидан юришса из тўппа-тўғри Шоймардон хонадонига олиб борди.

— Шу воқеа сабаб бўлдию, икки оила ўртасидаги келишмовчилик кучайиб кетди, — дейди Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Абдулбар Эшмонов.

Келишмовчиликлар тафсилотини чуқурроқ билиш мақсадида Хушали қишлоғи оқсоқоли Сувон Дўстовга мурожаат этдик.

— 1997 йил баҳорида Абдуолим оиласи билан ширкат хўжалигидан 10 гектар ер олиб «Нурмурод бобо» фермер хўжалигини ташкил қилган эди. Ажратилган майдоннинг бир қисмига яшаш учун бир хонали уй ва молхона солишиб, ёз ойлари ўша ерда истиқомат қилиб юришди. Орадан 2-3 йил вақт ўтиб қурғоқчилик туфайли ҳосилнинг барчаси нобуд бўлди. Фермерлик тугатилди. Кейинчалик экин майдонлари Шоймардоннинг акаси Зулфиқор Рўзимуродов оила аъзоларига пахта экиш учун ажратиб берилди. Абдуолим оиласи билан яшаётган бир хонали уй ҳам ўша ер майдонида қолиб кетди. Атрофда мол-қўйлар боқиш учун шароит яхши бўлгани сабабли улар ўша ерда ёз ойлари доимий яшаб қолишди. Бу нарса табиийки, Шоймардонга ёқмай, арзимаган нарсадан жанжал чиқариб юраверди. Икки оила бошлиқларининг ўрталаридаги асосий низо ана шундан бошланиб, охири фожиа билан тугади.

2002 йил 25 октябрнинг эрта тонги. Осмон мусаффо. Қишлоқ томондан хўрозларнинг бўғиқ қичқириғи эшитилади... Кеча тунда бўкиб ичган Шоймардоннинг кайфи ҳали тарқалмаганди.

У гандираклаб юриб, ҳовлига чиқди, боши айланиб остонада бироз ўтирди, сўнг аранг ростланиб, ўрнидан туриб олди. Шу вақт ҳовли этагидаги пахтазорда юрган аёл кишига кўзи тушди.

— Ие, бу Абдуолимнинг хотини Улуғ-ку! Нима қилиб юрибди бу ерда ўралашиб...

Шулардан қутулмадим, қутулмадим-да...

Шоймардоннинг қони қайнади. Аёл тарафга қараб куракда турмайдиган сўзлар билан сўкинди. Йўл четида ётган кетмонни қўлига олиб, аёл томон ташланди. Шу орада шовқинни эшитиб, Абдуолим келиб қолди. Ўртада бўлиб ўтган баланд-паст гаплардан кейин Шоймардон қўлидаги кетмоннинг ўткир қисми билан Абдуолимнинг бошига урди...

Бу мудҳиш ишдан кўнгли тўлмаган зўравон хириллаб ётган қўшнисини аёвсиз тепкилай бошлади. Улуғ дод солиб Шоймардоннинг қўлларига ёпишди. Қутуриб кетган Шоймардон аёлни бир силтаб улоқтириб юборди. Сўнг ўрнидан туришга уринаётган аёл кетмон зарбидан қайта ерга қулади. Тобора ваҳшийлашиб бораётган Шоймардон уни ҳам роса тепкилаб, қонга белади.

Ўз вақтида етиб келган шифокорлар қийинчиликлар билан онаизор ҳаётини сақлаб қолишга эришди. Аммо у бир умр ногирон бўлиб қолди... Олти нафар фарзанд отасидан ажралди.

Ҳеч бир жиноят жазосиз қолмаганидек Шоймардон Рўзимуродов ҳам одил суд олдида жавоб бериб, ўз жазосини олди. Зеро, қинғир, қора йўл ҳеч қачон яхшиликка олиб бормайди. Ўз вақтида ўзини тийиб олмаган, ўйлаб қадам босмаган, хатоларидан хулоса чиқармаган одам охир-оқибат ҳам ўзига, ҳам бошқаларга қулфат келтиради.

Баҳодир БОЙЗОҚОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси катта прокурори

АСТЕД АГЕНТЛИГИНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

Қашқадарёдаги СИФ ТАСИС лойиҳасини амалга ошираётган АСТЕД агентлиги воҳадаги йигирмата қишлоққа 200 минг евро миқдорида беғараз ёрдам кўрсатди.

Ушбу маблағ эвазига қишлоқларда сув ва газ таъминоти тизими, йўллар, мактаблар ҳамда врачлик пунктлари таъмирланиб, турмуш шароитлари анча яхшиланди. Жорий йилнинг март ойида иш бошлаган мазкур агентлик бозор иқтисодиёти ўтиш даврига хос қийинчиликларга дуч келаётган қишлоқ аҳолисига ёрдам бериш билан биргаликда ушбу ҳудудларда яшовчи фуқароларнинг фаоллигини ошириш, уларга ўз муаммоларини мустақил ҳал қилишнинг усулларини ўргатиш, қишлоқларни техник жиҳатдан тараққий эттиришда ҳамда ривожлантириш мақсадида фаолият юритмоқда.

«Туркистон-пресс»

«Буюк хизматлари учун» ордени соҳиблари

ЭЛ АРДОҚЛАГАН ОЛИМ

МАШҲУР ВА МАЪЛУМ ФАЙЛАСУФ, МУТАФАККИР, ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ЖОНКУЯРИ, БИЛИМДОНИ, ТАРИХШУНОС, АЛЛОМАИ ЗАМОН, АЗИЗ УСТОЗ ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ҲАҚИДА ЎЙЛАГАНИМДА ҚАЛБИМДА НУРЛИ ХОТИРАЛАР УЙҒОНАДИ

Маълумки, фалсафа фанининг асослари Шарқ олами билан боғликдир. Ёдингизда бўлса, Президентимиз чет эл журналистлари билан бўлган учрашувда бир мухбир қизга мурожаат этиб:

— Қизим, қуёш қайдан чиқади, — деб сўраган эдилар.

— Шарқдан, — деб жавоб берган эди у.

— Ҳа, шундай. Қуёш Шарқдан чиқади, ҳаётнинг бошланиши ҳам, илм-маърифатнинг туғилиши ҳам Шарқдан, деган эдилар Ислом Каримов.

Бизнинг ота-боболаримиз илм-фаннинг барча соҳалари ҳақида фикр-мулоҳаза юритишга қодир бўлган алломалар бўлган. Ал-Хоразмий ёки ал-Беруний математик, тарихчи, файласуф, табиат илмлари билимдони, Ибн Сино эса ҳаким файласуф, математик, мантиқ, Ислом илми, барчасидан хабардор буюк бетакрор олимлар бўлишган. Ана шундай бетакрор алломалар вориси, XX аср ўзбек фанининг фидойиларидан бири машҳур файласуф олим Иброҳим Мўминов эди.

Республикамизда фалсафа фанининг ўқитилиши ва бу соҳада илмий-тадқиқотларнинг янги даври Иброҳим Мўминовдан бошланди, десак хато бўлмас. У киши ўша совет мафкураси ҳукмрон бўлган замонда миллий ифтихоримизни илмий равишда жаҳон миқёсига кўтаришни Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти сифатида ўзининг асосий илмий ташкилотчилик вазифаси деб билди. Барча ижтимоий фанлар соҳасида бу вазифани бажариш ҳар бир олим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биларди. Бу ишлар осон кўчмади, албатта. Қалтис иш ёмон натижаларга олиб бормаслиги учун устоз усталик билан, байналминалликни ривожлантириш учун, аввало, миллийликни бойитиш зарур, деган услубда иш олиб бордилар. У кишининг шогирдлари бўлган бизлар бу йўлнинг ниҳоятда оқилона эканлигини тушунар эдик.

Ўша вақтларда Марказкомнинг мафкура бўйича котиблари бўларди. Улар, одатда Москвадан келган йўл-йўриқларни бажаришлари мажбур эди. Лекин, Иброҳим Мўминов кўп миллий ғоявий масалаларда юқорининг розилигини олмасдан амалга ошираверар эдилар. Бу нарсалар Иброҳим домланинг жамоат мавқе ниҳоятда зўр бўлганлигидан далолат беради.

Бунга бир мисол айтсам, ўринли бўлади. Домланинг хонасида гаплашиб ўтиргандик, бирдан сўраб қолдилар: Улуғбекнинг туғилганига қанча бўлди? Мен озроқ ҳисоб-китоб қилиб айтдим: 575 йил бўляпти. Яна 25 йилдан кейин 600 йиллигини ўтказамиз. Домла сал жилмайиб қўйдиларда, айтдилар: Э-ҳе, унгача ким бору, ким йўқ. Улуғбекнинг 575 йиллик юбилейини ўтказамиз, конференция материалларини тахланг, дедилар. Шундай қилиб, 1969 йили юбилей конференцияси кенг ўтказилди ва унда қилинган маъруза матнлари «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журналида чоп этилди.

Ўша юбилей анжуманини эсласам, Иброҳим домланинг иккита ажойиб хислатлари кўз олдимда гавдаланади: биринчиси — Компартия Марказий Комитетига илтимос билан мурожаат қилмаслик, иккинчиси — «э-ҳе, унгача ким бору, ким йўқ, юбилейни ўтказамиз» деганлари. Дарҳақиқат, 1994 йили бизнинг мустақиллик давримизда Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейи жаҳон миқёсида ўтказилди. Тошкент ва Самарқандда дунёнинг атоқли олимлари иштирокида ўзбек фани ютуқлари тантанали равишда намойиш қилинди. 575 йиллик юбилей билан 600 йиллик юбилей орасида ер билан осмонча фарқни биз қатнашчилар яққол сездик. Фақат гап шундаки, ўша 575 йиллик юбилейда фаол иштирок этган Қори-Ниёзий, Обид Содиқов, Владимир Шчеглов, Иброҳим Мўминов ва бошқа кўпгина олимларимиз Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейига етиб келолмадилар.

Аммо биз кекса авлод вакилларининг ўтмиш армонлари кўп, қайси бирини айтай. Келинг Самарқанд университетидан бошлай қолайлик. Урушдан олдин, устоз университетда домлачилик қилиб юрганларида кейинчалик Тожикистон Фанлар академиясининг президенти бўлиб етишган Муҳаммад Осимий физика-математика факультетининг студенти экан. 1970 йили Самарқанд университетидан бошлай қолайлик. Урушдан олдин, устоз университетда домлачилик қилиб юрганларида кейинчалик Тожикистон Фанлар академиясининг президенти бўлиб етишган Муҳаммад Осимий физика-математика факультетининг студенти экан. 1970 йили Самарқанднинг 2500 йиллик юбилейи кунлари Иброҳим Мўминов Муҳаммад Осимий ва Воҳид Абдуллаев СамДУ ректори хонасида учрашиб қолдик. Суҳбатда Самарқанд университети ҳақида ҳам гап кетди. Кўз олдингизга келтиринг: Абдуллаев — ректор, Мўминов — профессор, Осимий — талаба, шу университетда, ҳар хил вақтда. Суҳбат кўнгилли ўтди, ҳар бирлари университет ҳақида ўз таассуротларини гапириб беришди. Мен бу тарихий суҳбат ҳақида кўп гапиришим мумкин, лекин фақат Муҳаммаджон Осимийнинг бир эсдалигини эслатиб ўтаман, холос.

Тожикистон Фанлар академиясининг президенти М.Осимий (Асимов) бундай деди: «Мен бу университетда урушдан олдин ўқиганман. Физика-математика факультетининг студенти ва айни пайтда университет ёшлар комитетининг секретари эдим. Бир куни партбюро аъзоларини, жумладан мени чақириб қолишди ва айтишди: факультет декани Иброҳим Мўминовичнинг акаси олий математика ва назарий механика соҳаси мутахассиси Араб Мўминов қамалиб қолибди, биз бунга ўз муносабатимизни билдиришимиз керак, яъни Иброҳим Мўминовични партиядан чиқариш тавсия этиляпти, бинобарин эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш керак бўлади, дейишди. 5-6 та коммунистларга партия умумий мажлисида Иброҳим Мўминовни ёмонлайсизлар, деб партиявий топшириқ ҳам беришди.

4-бет

ЭКРАНДА — ЁШЛАР ИЖОДИ

Ҳаваскор ёшлар ҳам турли жанрларда кино ва видеофильм яратишга ҳаракат қиляптилар. Бироқ ёш кинематографчиларнинг асарлари билан танишиш ва томошабинларга намойиш этиш имкониятини яратиш зарур эди. Шу боис Германиянинг CAoSS жамияти Тошкентда ёш ижодкорларнинг «Ёш кино» танловини ўтказишга қарор қилганлиги айни муддао бўлди. Танлов давомида истеъдодли ёшлар аниқланади ва уларнинг асарлари намойиш этилади. Унда ҳужжатли ва мультипликацион фильмлар ҳам кўрсатилади.

24-25 октябрь кунлари Ўзбекистоннинг таниқли санъат арбобларидан иборат танлов ҳайъати иш олиб боради. Ғолиблар эса 25 октябрь куни «Бунёдкор» ёшлар клубида маълум қилинади. Якунловчи босқич иштирокчилари ҳайъат аъзолари томонидан тасдиқланган сертификатга эга бўладилар. Энг яхши ишлар Германияда бўладиган ёшлар кино фестивалининг саралаш турнирида иштирок этади.

Юнус ЗИЁДОВ

Иқтисод ва ислоҳот

УЛАР БУГУН ДУНЁ БИЛАН СЎЗЛАШМОҚДА

«ЎзИ» ЎЗБЕКИСТОН — ИНДОНЕЗИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ХУСУСИДА

«ЎзИ» Ўзбекистон — Индонезия қўшма корхонасининг Самарқанд шаҳар филиали жамоаси ибратли ишларни амалга оширмоқда. Бу ерда тезкор уяли алоқа компаниялари билан рақобатда олдинги сафларда юриш мақсадида ишлаб чиқаришни изчил такомиллаштириш, янги технологиялар яратиш ва жорий этиш учун ижодий изланишлар олиб борилаётир. Филиалнинг асосий хизмат турлари маҳаллий ва халқаро телефон алоқаси, телеграф ва симли радиоэшиттиришдан иборат. Бундан ташқари уяли телефон алоқаси, интернет хизмати кўрсатувчи мавжуд компания ва фирмалар билан ҳамкорликда иш юритиляпти.

Ҳозир Самарқанд шаҳрида 18 та станция фаолият кўрсатмоқда. Жами 64 минг 624 сиғимга эга бу станциялар сифатли ишлаб турибди. Уларнинг еттитасига Германиянинг «Сименс» компанияси электрон рақамли қурилмалари ва Японияннинг «NEK» компанияси 42454 сиғимли аппаратлари ўрнатилди. Шу йилнинг ўзида 39-АТСда 400 сиғимли радио-телефон станцияси фойдаланишга топширилди. «ARTS» деб номланган бу станция 25 километрлик масофадаги қамровга хизмат кўрсатиш қувватига эга. Натижада алоқа симлари етиб бормаган узоқ қишлоқлардаги абонентларга ҳам бемалол сифатли хизмат кўрсатиш имкони вужудга келди.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»**ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **«Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори эълон қилинганидан буён қарийб бир ярим йил вақт ўтди, — дейди филиал раҳбари Герасим Ли. — Фармонда ва ҳукумат қарорида белгиланган дастурий чора-тадбирларнинг амалда рўёбга чиқарилиши — бошқарувнинг барча тармоқ ва минтақавий органларига, иқтисодиёт ва маданиятнинг ҳамма соҳаларига дахлдор. Бироқ, мазкур вазифани бажариш кўпроқ бизнинг соҳамиз вакилларига тааллуқли, деб ўйлаймиз. Айниқса, Фармондаги **«Миллий ва халқаро ахборот тармоқларига ғоят тезкорлик билан кириб боришни жорий этиш, аҳоли пунктлари, шунингдек, қишлоқ аҳоли пунктларининг уларга кириб боришини таъминлаш... Биринчи галдаги муҳим вазифалардан ҳисобланасин»**, деган жумлалар айнан бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди.

Бугунги кунда замонавий ахборот тармоқларига уланиш зарурати тобора кучайиб бораяпти. Ваҳоланки, Интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятлари яхши натижалар бериши, шубҳасиз. Хорижий шериклар билан ҳамкорликда шаҳар телекоммуникациялар тармоғини янгилаш ва ривожлантириш бўйича мунтазам ишлар олиб борилмоқда. Яқинда шаҳар марказида иккита «Интернет кафе» қурилиб ишга туширилгани қувончли бўлди. Айни пайтда одамлар унинг хизматидан самарали фойдаланмоқдалар.

Корхонамиз эришаётган ютуқларнинг энг муҳим сири шундаки, биз биринчи галда кўрсатилаётган хизмат сифатига алоҳида эътибор берамиз ва барча ходимларнинг ўз ишига масъулият билан ёндашишини қатъий талаб қиламиз.

Чунончи, ўз кучимиз ва олинган соф даромад ҳисобига 34- ва 29-АТСлар оралиғидаги 2,68 километрлик масофага оптик кабель ўрнатилди. 22- ва 21-АТСлар оралиғида эса 1546 метр масофада ҳам шундай кабель жойлаштирилди. Бундай кабелнинг фойдаси шундаки, унинг ёрдамида станциялараро ахборотлар ишончли, аниқ, сифатли ва тезкор равишда етиб боради...

Яна бир жиҳат — жамоага иш кўзини биладиган, ўз ишининг устаси ва юксак малакали кадрлар раҳбарлик қилишмоқда. Улар, наинки тажрибали мутахассис, балки замонавий назарий билимга ҳам эгалар. Буни шу йилнинг бошларида ўтказилган аттестация натижалари ҳам тўла тасдиқлади. Шунингдек, «ЎзИ» МЧЖнинг Қарши шаҳрида ўтказилган кўчма кенгашида «ЎзИ»нинг Самарқанд шаҳар филиали раҳбарияти фаолиятига яхши баҳо берилди. 37-АТС ва 25-АТСлар энг илғор жамоалар сифатида тақдирланди.

Корхонада яқинда «Билинг маркази» ишга туширилди. Мақсад шуки, унинг ёрдамида абонентдан хазинага пул келиб тушган заҳотиёқ мижоз тармоққа автоматик равишда уланади. Яқин келажакда марказий таъмирлаш бюроси(МТБ)ни ҳам ишга туширишни кўзда тутиляпти. Унда абонентнинг барча буюртмалари автоматик равишда қайд қилинади.

Истиқбол режаларига кўра, шаҳардаги тўқимачилик фабрикаси атрофида янги АТС қурилади. 32-АТС атрофида эса қўшимча равишда магистрал тармоқ линиялари барпо этиляпти. Молиявий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда янги асбоб-ускуналар харид қилиниб, уларни бошқа станцияларга жойлаштириш ҳам режалаштирилган.

Филиал бугунги кунда барқарор молиявий хўжалик фаолияти юритувчи субъектлар сирасига киради. Тўғри, айрим тўсиқлар ҳам бор. Баъзи мижозлар кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлашни унутиб қўйишяпти. Шу йилнинг 1 сентябригача бўлган ҳолат таҳлил қилинганда, мижозларнинг қарзлари бир неча ўн миллион сўмга етди. Кейинги пайтларда айрим ташкилот, идора, муассасалар ва корхоналарнинг қарзи ҳам ой сайин ошиб бораётир. «Самарқанд консерва» очиқ акциядорлик жамияти, Самарқанд вилояти «Исиқлик манбаи», «Байкал А» масъулияти чекланган жамияти, «Самарқанд» савдо-ишлаб чиқариш комбинати ва бошқа ташкилотлар шулар жумласидандир.

Филиал ходимлари шу йилдан бошлаб телекоммуникация иншоотларининг сақланиши бўйича ҳам ибратли тадбирлар ижросига киришдилар. Кабелларни ўғирлаб кетиш ҳоллари юз бермаслиги учун доимий эҳтиёт чоралари кўриладиган бўлди. Қимматбаҳо материаллар ва станция жиҳозларининг талон-торож қилиниши олдини олиш бўйича АТСларда сигнализация тармоқлари ўрнатилди, уларга махсус қоровуллар қўйилди.

Ишлаб чиқаришни янада модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, маркетинг хизматини яхши йўлга қўйиш борасида ҳам изланишлар давом этмоқда.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

✧✧✧

Суратда: филиал ходимлари фаолиятидан лавҳа.



Ўқитувчилар иш ташлашмоқчи

Россия Федерациясининг Курск вилояти марказидаги ўнлаб мактабларнинг ўқитувчилари Меҳнат Кодексидан четга чиқмаган ҳолда иш ташлаб, норозилик намойиши ўтказишни мўлжаллаб турибдилар. Куни кеча улар бу ҳақда шаҳар маъмуриятини огоҳлантирдилар.

Сабаб: белгиланган муддатдан 15 кун ўтдиямки, маошлар тарқатилмаяпти.

Шу кунларда Курск ўқитувчиларидан умумий қарздорлик 16 миллион рублни ташкил этади, дейилади КРЖ ахборотида.

Жарроҳлик операцияси ўтказилади

Фаластин етакчиси Ёсир Арафотнинг шифокорлари маълум қилишича, яқин кунларда Арафот ўт пуфагидаги тошни олиб ташлаш учун жарроҳлик столига ётқизилиши мумкин.

Фаластин миллий маъмурияти раҳбари ёрдамчисининг сўзларига қараганда, ўт пуфакда тош борлигини Миср шифокорлари Арафотни ичак касалликларига қарши даволаётган пайтда аниқлашган.

Бу ҳақда Reuters агентлиги хабар тарқатди.

Тафсилот

БИТИМ ВА КЕЛИШУВГА ИМКОН БОР, ФАҚАТ...

Расмий Вашингтон Шимолий Кореяга ҳужум қилмасликка, яъни унинг хавфсизлигига кафолат бериши мумкин, фақат бунинг учун Шимолий Корея амалга ошираётган ўзининг ядро дастуридан воз кечиши лозим. Шарт битта — кафолат кўп томонлама характерга эга бўлиши керак. Президент Бушнинг айтишича, АҚШ бир томонлама кафолатни таъминлаб, барча жавобгарликни ўз бўйнига олмоқчи эмас. Шунинг учун ҳам у кўп томонлама кафолат тарафдори. «Биз муаммони тинч йўл билан ечишда катта саҳрашга эришдик» — деди Буш Жанубий Корея Президенти Но Му Хен билан учрашувда. Бу ерда гап Пхеньян талаб қилган «Ҳужум қилмаслик тўғрисидаги икки томонлама ҳужжат» ҳақида кетмаяпти. Бу ўринда Буш Шимолий Корея муаммосини ҳал этишга «масъул» бўлган «олтилик» иштирокчилари (АҚШ, Корея Халқ Демократик Республикаси, Жанубий Корея, Хитой, Япония ва Россия) билан кўп томонлама келишув битими ишлаб чиқишни таклиф этди. Битим имзолангач, хавфсизлик кафолати эвазига Шимолий Корея ўзининг ядро дастуридан воз кечиш билан бирга мамлакатга мустақил экспертлар гуруҳи киришига ҳам рухсат бериши даркор. Улар мамлакатда ядро қуроли бор-йўқлигини текшириб, тасдиқлаши лозим. Ҳозирча КХДР томонидан бунга ҳеч қандай муносабат билдирилгани йўқ.

Эслатиб ўтамиз: Шимолий Корея (КХДР) муаммоси юзасидан шу йил август ойида АҚШ, КХДР, Жанубий Корея, Хитой, Япония ва Россия вакилларининг учрашуви бўлиб ўтган эди. Ўшанда бирор-бир натижага эришилмаганди. Аммо экспертларнинг фикрича, мазкур учрашув ҳам ўзига хос томони билан ажралиб туради, яъни ўшанда иштирокчилар навбатдаги учрашувни ўтказишга келишиб олган эдилар. Мана энди музокараларни қайтадан бошлаш мавриди келмоқда.

Ўшанда КХДР АҚШдан мамлакат хавфсизлигига кафолат талаб қилган эди. Вашингтон эса бу борада гап бўлиши мумкин эмаслигини уқтирганди. Энди эса Оқ уй маъмурияти ўз позициясини бир оз юмшатди. «Биз Шимолий Кореяга ҳужум қилмоқчи эмаслигимизни, балки қандайдир битим ва келишувларга эришишни хоҳлаётганимизни тушунишларини истардик» деди АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл. Буни Президент Буш ҳам NBCга берган интервьюсида тасдиқлади.

У муаммони дипломатик йўллар билан ечиш вариантларини Хитой Халқ Республикаси Риси Ху Цзиньтао билан муҳокама қилганлигини, «олтилик»нинг қолган етакчилари билан ҳам алоҳида учрашишга тайёр эканлигини ва албатта учрашажагини таъкидлади. «Умид қиламизки, Хитой Пекинда «олтилик»нинг навбатдаги учрашувини ўтказиш учун музокара столига келишга Шимолий Кореяни ҳам кўндира олади» деди Оқ уй вакили.

Расмий Вашингтон олти томонлама музокараларнинг иккинчи раунди шу йил охиригача ўтказилишига ва бунда томонлар аввалдан ишлаб чиқилган кафолат битими лойиҳасини муҳокама этишларига умид билдирди.

Қарс икки қўлдан деганларидек, Шимолий Корея ҳам бу борада ташаббус кўрсатишини дунё кутмоқда.

Алимбек ТОШБЕК тайёрлади

Ҳукумат истеъфога чиқади

Бирлашган Араб Амирлигида чиқадиган «Ал-Баян» газетаси маълум қилишича, яқин кунларда Иордания ҳукумати истеъфога чиқади ва подшоҳ мамлакатнинг янги бош вазирини тайинлайди.

Газетада ёзишларича, амалдаги бош вазир Али Абу ар-Рагебнинг ўрнини подшоҳлик саройи вазири Файсал Ал-Фаиз эгаллаши мумкин.

Агар «Ал-Баян» маълумотлари тасдиқланса, у ҳолда 1999 йилдан бери мамлакатни бошқариб келаётган подшоҳ Абдуллох Иккинчи даврида ҳукумат истеъфоси ва бош вазир алмашинуви учинчи марта содир этилиши бўлади.

Ҳозир подшоҳ Малайзия, Сингапур, Уммон Султонлиги ва Бирлашган Араб Амирлиги бўйлаб хорижий сафарда юрибди. Ҳукумат бошлиғини алмаштириш ҳақидаги расмий хабар у қайтиб келгач, яъни эртага эълон қилинади.

АҚШ. Орегон штати

26 ноябрга белгиланди

Шимолий Ирландиянинг миллий ассамблеясига сайловлар ўтказиш шу йилнинг 26 ноябрига белгиланди. Бу ҳақда Британия ҳукумати баёнот берди, дея хабар тарқатди Reuters агентлиги. Аслида сайловлар парламент тарқатиб юборилгандан кейиноқ, яъни шу йил май ойида ўтказилиши керак эди. Бироқ у Буюк Британия ҳукумати томонидан бекор қилинган.

Кардиналлар тайинланди

Рим папаси Иоанн Павел II Ватикандаги авлиё Пётр саройида 31 нафар номзодни янги кардиналликка (Рим папасидан кейинги энг юқори руҳонийлик унвони) тайинлади. Уларнинг кўпчилиги Рим папасининг вафотидан сўнг тахт ворислиги учун бўладиган сайловларда қатнашадилар.

Аслида католик черковлар раҳбарлигига, яъни папанинг тахтини ҳар қандай эркак киши (католик бўлиши шарт) эгаллаши мумкин. Лекин 1378 йилдан эътиборан бу лавозимга фақат кардиналлар сайланган.

Рим папалигига номзод ҳар доим конклавда, яъни кардиналлар махсус ёпиқ йиғинида сайланади. Ва бу йиғин амалдаги папанинг вафотидан 15 кун олдин ёки вафот этгач 18 кундан кеч бўлмаган ҳолатда чақирилади.

Кардиналлар ёпиқ йиғинида папаликка номзод учдан икки қисм овозга эга бўлсагина тахтга ўтиради.

Яна шуни айтиш лозимки, Reuters агентлиги ахборотида ёзилишича, Рим папаси Иоанн Павел II саломатлиги ёмонлашганлиги боис тахт учун янги сайловлар ўтказилиши ҳақида овозалар тарқалмоқда. Бироқ бу овозаларни Ватикан рад этмоқда. Негаки, Иоанн Павел II кардиналлар билан яқинда ўтказган учрашувида охирги нафасигача бошқарувни қўлдан бермаслигини маълум қилди.

Ҳикматли сўзлар маъноси

КАМТАРЛИК — КАТТА ДАВЛАТ

Инсоннинг энг олий ахлоқий хислатларидан бири — камтарликдир. Мақолларда камтарликка юксак баҳо берилади, киши жамиятда ўзини камтар тутиши, манманликка берилмаслиги лозимлиги қайта-қайта уқтирилади. «Камтарлик — жасорат тожи»; «Камтарлик одамга ҳусн беради»; «Супурги — ернинг ҳусни, камтарлик — эрнинг ҳусни»; «Камтарликнинг камоли бор»; «Камтарга — камол, Манманга — завол»; «Камтарлик кўкка кўтарар, Манманлик ерга киритар»; «Камтар бўлсанг, обрў ортар, Манман бўлсанг энса қотар»; «Ўзинг осмонда бўлсанг ҳам, оёғинг ерда бўлсин»; «Бошинг осмонга етса ҳам, ерга қараб юр».

КАМОЛИНГНИ КЎРАЙ, ЗАВОЛИНГНИ КЎРМАЙ

Бу сўз — ота-онанинг болаларга билдирадиган эзгу ниятларидан, олқишларидан бири.

Кампирнинг дарди — ғўзада, сичқоннинг дарди — ёғлиқ кўзада

«Кампирнинг дарди — ғўзада, Йигитнинг дарди — бўзада» (бўза — оқшоқ, курмак, жўхори кабилардан тайёрланадиган спиртли ичимлик); «Чол: Э, Худо, тилла тўла кўза бер, дейди, Кампир: Э Худо, сават тўла ғўза бер, дейди». Илгари аксарият кампирлар кунларини ғўза (кўсак) чувиш, чарх йигириш билан ўтказардилар. Мазкур мақолларни: «Ҳар ким ўзи яхши кўрадиган, ўз тириклигини таъминлайдиган, ўзига эрмак, ҳузур-ҳаловат бахш этадиган нарсалар ҳақида ўйлайди, ўшанга эришиш ҳаракатида бўлади», деган маънода қўллайдилар.

ЙЎЛ КИШИСИ ЙЎЛГА ЯХШИ

«Йўлчининг йўлда бўлгани яхши, Қирчининг — қирда»; «Йўлчи бўлсанг йўлда бўл, Қирчи бўлсанг қирда бўл» («Йўлга отланган одам йўлидан қолмай, кўзлаган манзилига етиб олишнинг ҳаракатида бўлиши, қирга дон сепган деҳқон экинининг тепасида бўлиши зарур», дейилмоқчи); «Овчи овда, йўлчи йўлда бўлиши керак»; «Юрганга — йўл яхши, Қолганга — уй яхши».

«Буюк хизматлари учун» ордени соҳиблари

ЭЛ АРДОҚЛАГАН ОЛИМ

(Давоми. Боши 3-бетда.)

Бир нечта ўртоқлар ва мен норозилик билдириб Иброҳим Мўминовнинг ёмонлик томонларини билмаймиз, агар биладиган одамлар бўлса, ҳозир, мажлисгача айтсин, биз ҳам билиб олайлик. Бюро аъзоларининг кўпчилиги Сизга, Иброҳим Мўминович, ён босганликларини биринчи марта ўзингизга айтаяпман. Умумий партмажлисда бўлган воқеаларни, менсиз ҳам ўзингиз биласиз».

Иброҳим Мўминов махзун ўша кунларни эслар экан ўзини бир неча вақт ишсиз қолганини гапириб берди.

Кўп ўтмай, домла ишга тикландилар. Совет мафкурасидан жабр тортиш шундан бошланган эди. Энди нима қилиш керак, ахир тайёр диссертацияни ёқлаш керак-ку. Иброҳим домла ўйлаб-ўйлаб, дўстлари «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасининг муҳаррири, файласуф-олим Сулаймон Азимовдан маслаҳат сўрадилар. Сулаймон ака тасалли бериб, маслаҳат берибдилар: диссертациянгиз марксча-ленинча фалсафадан узоқ экан, у ери хато, бу ери сиёсатга қарши, дейдиган жойи йўқ. Бедил ҳақида фалсафий тадқиқотлар олиб боргансиз, лекин диссертациянгиз мавзуси бу ҳақда ҳам эмас экан. Агар у ҳақда бўлса, миллатчисан, дейишлари мумкин эди. Диссертациянгиз бутун жаҳон тан олган файласуф Гегель ҳақида экан, бемалол ёқлай беринг.

Иброҳим Мўминов Гегель диалектикаси устида илмий иш олиб бориб фалсафа фанлари номзоди бўлдилар. Ўша кезлари яна Бедил ҳақида ҳам китоб ёздилар.

1937 йили биринчи кимё профессоримиз Саттор Жаббор, биринчи физика профессоримиз Ҳусайнхон Ниёзий қамоққа олиндилар, отилдилар. Қамоқдан қайтиб келган Сулаймон Азимов, Ҳамид Сулаймон, Саид Носир ва бошқаларни Иброҳим Мўминов ўз паноҳларига олдилар, ишга жойлаштирдилар, уларга диссертация ёзиш ва ёқлашга имконият туғдирдилар. Билимдон Алихон Тўра Шокировни ўтган атоқли олимимиз Аҳмад Дониш китобларини нашрга тайёрлашда кўмаклашиш учун ишга таклиф қилдилар. Ниҳоят, Амир Темур бобомизни руҳан тирилтириш учун қалбдан астойдил ҳаракат қилгани учун домламизнинг ўзлари кўп азоб-уқубат чекдилар.

Домламизнинг армонлари кўп эди. Энди бизнинг армонимиз: Иброҳим Мўминов кўп йиллар илмий-ижодий ва жамоат фаолиятининг якуни сифатида Амир Темурнинг буюк қиёфасини яратиш устида кўп ишларни бошладилару, аммо ўта тоталитар тузум даврида бу ишлар амалга ошмади. Фақат истиқлолимиз, мустақиллик мафкурасининг яратилиши ва амалда жорий этилиши туфайли бобокалонимиз Амир Темур бутун дунё миқёсидаги буюк шахс эканлиги илмий жиҳатдан исботланди, амалий жиҳатдан одамлар буни билди ва чексиз фахр туйғуси шаклланди. Армонимиз шуки, Ибрҳоим домла бу кунгача етиб келолмадилар, бу оламшумул ишларни ўз кўзлари билан кўролмадилар.

Устоз ўта ватанпарвар, миллатпарвар, илмпарвар файласуф эдилар, бошқаларни ҳам шу йўлга солар эдилар. 1956-1974 йиллар мобайнида Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти лавозимида фаолият кўрсатган вақтларида республикада ижтимоий фанлар соҳасига раҳбарлик қилдилар. Шу билан бирга ижтимоий фанлар ғояларини, маънавий бойлигимизни табиий ва техникавий фанлар олимларининг ижодига илмий методологик таъсир кўрсатганлар. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, устознинг фикрларича академиянинг барча институтларида ишлайдиган катта-кичик илмий ходимлар, аспирант ва докторантлар ўзларининг тадқиқот ишларини баён этишда буюк олим аждодларимизнинг асарларида изоҳланган тегишли кашфиётлар ва илмий ғояларини чуқур ўрганмоқ зарур. Айтар эдилар: ал-Хоразмий, ал-Форобий, ибн Сино, Беруний ва бошқа олимларимиз на фақат математика, физика, астрономия, тиббиёт, барча соҳаларда буюк мерос қолдирганлар. Ҳар бир олимимиз, айниқса ёш ижодкорлар уларнинг маънавий-маърифий бойликларидан баҳраманд бўлишлари фаннинг ўзига ҳам, бизнинг ўзимизга ҳам ғоят фойдалидир, дер эдилар.

Шу туфайли, ижтимоий-гуманитар фанлар соҳаларидаги диссертацияларда ўтган буюк олимларимизнинг номлари пайдо бўла бошлади. Домла бундан жуда хурсанд бўлардилар. Шундан сўнг масалани янада чуқурроқ қўйдилар: диссертациянинг кўпчилигида ўша буюк аждодларимизнинг номлари санаб ўтилмоқда. Йўқ, бу кифоя эмас. Ҳар бир диссертация мавзуига тегишлигига уларнинг оригинал фикрлари ўз ўрнини топиши керак. Иброҳим Мўминовнинг бу талаблари ҳануз ўз кучига эга. Истиқлолимиз даврида эса яна ҳам долзарб масала бўлиб қолди.

Ўзбекистон, Ўрта Осиёда яшаб ижод қилган олимларимиз илмий меросини чуқурроқ ва кенгроқ ўрганиш мақсадида домла Самарқанд, Душанбе, Москвада махсус илмий конференциялар ташкил этдилар. (1967, 1970, 1971 й.) Жаҳон илмий конференцияларига Ўзбекистондан кўпроқ маърузачилар юборишга ҳаракат қилар эдилар. Мана шу илмий анжуманларда бўладиган баҳсларда улар муваффақиятли иштирок этишса, ниҳоятда қувонар эдилар.

Мўминов домла Беруний ва Ибн Синонинг кўп жилдлик асарларини ўзбек ва рус тилларида нашр этишда бош-қош, Али Қушчи, Бедил, Аҳмад Дониш китобларини эълон қилинишида ташаббускор бўлдилар.

Фақат тарих эмас, ҳозирги замон жаҳон табиатшунослиги фалсафаси ва методологиясини юқори илмий савияда ўрганиш вазифасини қўйдилар ва бу ишни доимо уюштириб туриш учун Фанлар академиясида махсус илмий кенгаш туздилар. Бу ишга ҳар соҳада етакчи олимларимиз, жумладан Қориниёзий, Саъди Сирожиддинов, Гиёс Умаров, Убайдулла Каримов, Обид Акромхўжаев, Ҳамдам Усмонов, Ёркин Тўрақулов, Восил Қобулов ва бошқаларни жалб этдилар.

Иброҳим Мўминов Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти бўлиши билан бир вақтда Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори ҳам эди. Институт ташкил этилган пайтда математик, физик ва биологларни ҳам ишга олдилар ва шундай вазифа қўйдилар: ҳозир жаҳонда табиатшунослик фалсафаси соҳасида кўп йирик олимлар муваффақиятли ишлашмоқда. Уларнинг китобларида ҳозирги замон табиий фанларининг заминида бизларнинг буюк аждодларимиз илмий ғоялари ётади, деган гаплар учраб туради. Бизлар эса бу соҳада тузукроқ иш қилганимиз йўқ. Сизларнинг вазифангиз; ҳозирги замон табиат фанларининг биздаги тарихини узвий равишда англатиб бориш. Домланинг тавсияси билан бошланган иш озми-кўпми натижага эришди. Ҳозирги математик, физик, биолог, инженерлардан йигирмадан ортиқ фалсафа фанлари доктори тайёрланди. Ҳозирги замон табиатшунослик фалсафаси илмий мактабининг асосчиси, жонкуяри Иброҳим Мўминовдир.

Иброҳим Мўминов Ўзбекистон Фанлар академияси президиуми қошида Фан тарихи ва фалсафаси илмий кенгашининг раиси ҳам эдилар. Мен 15 йил давомида у кишининг бу соҳадаги муовини бўлиб бирга ишладим. Шу давр мобайнида устознинг иш услубини ўргандим. Устоз фаолиятидан сабоқ оладиган жиҳатлари жуда кўп. Ҳеч қачон бақириб гапирмас эдилар, бошқаларнинг гапига лўқма ташламасдан сабр билан эшитардилар.

Иброҳим ака худо берган савлатли инсон эди. Мен бу ҳақда кўп гапирмайда, бир ҳаётий мисол билан чегараланиб қўя қолай. 1970 йили Жаҳон илмий конференциясини ўтказишга тайёргарлик кўриш учун домла билан бирга Самарқандга бордик. Тўппа-тўғри опаларникига тушдик. Чой-пой тамадди қилдик. Домла бирдан айтиб қолдилар: конференция ўтказилишини шаҳар бошлиғи билмаса бўлмас. Юринг, Ҳайитовга борамизда, бу ҳақда уни хабардор қиламиз.

Бордик. Қабулхонада анчагина одам кутиб ўтирибди. Ёш котиба қизга домла салом бердиларда, ҳеч кимга, котибага ҳам ҳеч нима демай камтарлик билан ўтирабердилар. Мен ҳайрон бўлдим. Котиба қиз машинкада нималарнидир тақиллатиб босиб туриб, устознинг савлатидан сездими рахбар хонасига кириб кетди. Бир дақиқадан кейин қабулхонага Ҳайитовнинг ўзи чиқди ва домла билан қуюқ кўришиб, бизларни ичкарига таклиф қилди. Ўшанда Иброҳим Мўминов билан Мусо Ҳайитов бўлажак конференция масалалари юзасидан бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳақида келишиб олишди.

Конференцияда кўп мамлакатлар Фанлар академияларининг президентлари, академиклар, йирик олимлар қатнашишди. Бу воқеага 33 йил бўлибди, кўп сувлар оқиб ўтиб кетди, лекин менда ҳануз бир саволга жавоб йўқ. У котиба қизча кириб нима деди экан? Нега шаҳар бошлиғи дарров чиқди? Менимча у қизча айтган бўлса керак: қабулхонада бир савлатли одам ўтирибди, деб.

Домламиз мана шундай ажойиб хислатларга эга бўлганликлари билан фахрланамиз.

Биз ажойиб, олижаноб инсон, зукко олим ва мутафаккир Иброҳим Мўминовнинг эл-юрт олдидаги буюк хизматларини ҳеч қачон ёддан чиқармаймиз. Истиқлолимиз ўн икки йиллиги муносабати билан устознинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофатланиши тарихимизга, фанимиз заҳматкашларига бўлган эътиборнинг ёркин ифодаси бўлди.

Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор.

Интер-спорт

ФИФА ПРЕЗИДЕНТИ ЧЕМПИОНАТНИ ЎТКАЗИШГА УЛГУРМОҚЧИ

Қатар пойтахти Дохада 19-20 октябрь кунлари ўтказилган ФИФА конгрессида мазкур ташкилот президенти Йозеф Блаттернинг ваколат муддати яна бир йилга чўзилгани маълум қилинди. Шундай қилиб, Блаттер 2006 йили Германияда жаҳон футбол чемпионатини ўтказиб бўлгандан кейин 2007 йили унинг президентлик ваколати тугаши мумкин. Бундай таклифни Блаттернинг ўзи киритди. Анжуман қатнашчилари эса унинг бу мулоҳазасини маъқуллашди.

Конгрессда ФИФАнинг уставига баъзи ўзгартиришлар ҳам киритилди ва келаси йил январидан кучга киради.

РОЙ ТАЙСОННИ ЧОРЛАМОҚДА

WBA йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Рой Жонс исталган пайтда Майк Тайсон билан даромадли жанг ўтказишга тайёр эканини маълум қилди. «Мен бундай жангни кўпдан бери орзу қиламан, — дейди Рой. — Фақат Майкнинг қонун билан боғлиқ муаммолари юзага чиқиб қолди. Шунинг учун Тарвер билан жанг қилиш учун шартнома тузишга тўғри келди». Ройнинг Тарвер билан учрашуви шу йилнинг 8 ноябрь куни ўтказилиши мўлжалланмоқда.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 961
7662 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
1 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

АКАДЕМИК МАҲАМАДЖОН ЮНУСОВ

Мамлакатимиз фани оғир жудоликка учради. Таниқли олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, физика-метематика фанлари доктори, профессор Маҳамаджон Юнусов 71 ёшда вафот этди.

Академик М.Юнусов 1932 йилда Жалолобод шаҳрида туғилди. 1955 йилда Ўрта Осиё давлат университетини тамомлагач, меҳнат фаолиятини 1955 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг физика-техника институтида кичик илмий ходимликдан бошлади. 1963 йилда Ядро физикаси институти аспирантурасини битиргач, мазкур институтда катта илмий ходим, Радиацион-техник махсус лойиҳалаш бюроси директори, институт директори лавозимларида фаолият кўрсатди. У 1983-1988 йилларда Тошкент электротехника ва алоқа институти проректори бўлиб ишлади.

Академик Маҳамаджон Юнусов ярим ўтказгичлар радиацион физикаси соҳасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. У бир қатор аралашма билан бойитилган ярим ўтказгич материалларидаги хусусий нуқсонлар билан радиацион нуқсонларнинг ўзаро таъсири қонуниятларини ўрганиш ҳамда улардан амалда фойдаланиш бўйича илмий мактаб ва муҳим илмий йўналишлар яратди. Унинг томонидан олинган назарий ва амалий натижалар ҳозирги замон радиацион физикаси, микроэлектроника ва материалшунослик соҳаларидаги билимларни ривожлантиришга, амалиётга жорий этишга ва хорижий мамлакатлар билан илмий ҳамкорликни кенгайтиришга асос солди.

Академик Маҳамаджон Юнусов ярим ўтказгичлар радиацион физикаси соҳаси бўйича илмий мактаб яратди. Унинг раҳбарлиги остида 30дан зиёд фан докторлари ва номзодлари етишиб чиқди. Олимнинг фанимиз тараққиётига қўшган ҳиссаси муносиб тақдирланган. У Беруний номидаги давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби унвонига эга бўлган.

Истеъдодли олим, фанимиз жонкуяри, меҳрибон устоз, М.Юнусовнинг ёркин хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий таълим вазирлиги

Спорт



ЎЗБЕК КУРАШИНИНГ АНГЛИЯДАГИ ТАНТАНАСИ

Англиянинг Лондон шаҳрида кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов совғини учун анъанавий халқаро турнир бўлиб ўтди. Машҳур «High Wycombe» спорт мажмуида уюштирилган бу мусобақада мезбонлардан ташқари, Уэльс, Шимолий Ирландия, Шотландия ҳамда Ватанимиз спортчилари ҳам гиламга чиқдилар. Буюк Британия Кураш миллий федерацияси ташаббуси билан тўрт йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётган мазкур турнирда юз нафарга яқин ўсмир, ёшлар, катталар ва фахрий курашчилар беллашди.

— Мусобақа юксак савияда ўтди, — дейди турнирнинг олтин медаль соҳиби, ҳамюртимиз Иброҳим Каримов (90 кг.). — Англияда курашимизга эътиборнинг катталиги, бу спорт турига қизиқиш тобора ортиб бораётганлигини кўриб қувондим. Мен Лондонда фақат гиламга чиқиб курашмадим. Балки кўплаб кураш ихлосмандларига полвонлик усулларини ҳам кўрсатдим. Уларга қўлимдан келганча кураш қонун-қоидаларини ўргатдим. Лондонлик мухлислар ўртасида ўзбек курашининг оммалашиб бораётганлигидан қалбим ғурурга тўлди.

Ҳозир беш қитъанинг етмиш уч мамлакатида миллий кураш федерациялари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан мамлакатлар биринчиликлари, халқаро турнирлар ўтказиб келинаётир. Бу эса ўзбек курашининг янада оламга танилиши, энг нуфузли мусобақа — олимпия ўйинлари дастуридан тезроқ жой олиши учун муносиб ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Турнири иштирокчилари мусобақадан катта таассуротлар билан қайтишди. Баҳсларда гиламга чиққан юртимизнинг йигирма нафар полвонидан тўққиз нафари совриндорлар қаторидан ўрин эгаллади. Эркаклар ўртасида Аъзам Исомов (60 кг.), Фурқат Маматов (66 кг.), Умид Бозоров (73 кг.) Иброҳим Каримов (90 кг.)лар олтин, Анвар Пиров (60 кг.) кумуш, Алишер Бўронов (60 кг.), Давид Согомонян (66 кг.)лар бронза медаллари билан тақдирландилар. Умида Сафарова (63 кг.) аёллар баҳсида, Хушвақт Кафиев (80 кг.) фахрийлар беллашувида кумуш медалга сазовор бўлишди.

Эркин ХОЛБОБО

«POYTAXT AUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

газетанинг 2003 йил 4 октябрь сонида берилган эълонда кўрсатилган Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани, Уйғур кўчасида жойлашган ер майдонлари сатҳи ва бошланғич нарҳи қуйидаги таҳрирда ўқилишини маълум қилади: «Уйғур кўчасида, майдони 0,024 гектардан бўлган 1-сон ва 2-сон ер участкалари, ҳар бирининг бошланғич нархи — 326 400 сўмдан».

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

BANK XALQ BANKI

ЎЗБЕКИСТОН ЭНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН ХАЛҚ БАНКИ

Янги «МУКОФОТ» — қисқа муддатли омонат турини таклиф этади.

Мазкур омонатга маблағлар Халқ банкининг барча муассасалари томонидан камида 5000 сўм миқдорида, 3 ой муддатга, нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

Халқ банки — аҳоли омонатларининг сақланиши давлат томонидан кафолатланган ЯГОНА БАНКДИР!

Мурожаат учун телефонлар: 173-69-15, 173-69-16 (ички 126,111, 109)